Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**10.10.2022 даги**
**“OZODBEK-XURSHIDJON” МЧЖ "Ўзсувтаъминоти" АЖ Сув таъминоти ва оқова сув объектларини қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Тошкент ш. ва Тошкент в. Худудий бошқармаси умумий сумма 626 535 463**

# ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 110

Шахсий ғазна ҳисобварақ 4017 2286 0272 4970 6320 1110 001

сўмда

| 2021 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | **4322900** | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | 626 535 463,00 | | | 626 535 463,00 |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **626 535 463,00** | | | **626 535 463,00** |

Жами 626 535 463 сўм — олти юз йигирма олти миллион беш юз ўттиз беш минг тўрт юз олтмиш уч сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 187 960 638 сўм ёки 30 % *** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ ______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ______________ Махсудов А
(имзо) Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ______________ Абдуллаева Н
(имзо) Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ______________
(имзо)

«___» ________________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ______________
(имзо)

«___» ________________20___й.

## ОБЪЕКТЛАРНИ ҚУРИШ УЧУН
## № 11/22-СОНЛИ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

**Тошкент ш.** **“ 10 ” октябр 2022 йил**

Бир томондан 03.10.2022 йилдан 33-сонли Бош ишончнома асосида иш юритувчи ва бундан кейин “Буюртмачи” деб юритилувчи “Сув таъминоти ва окова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи в.в.б А.Махсудов ва иккинчи томондан Устав асосида иш юритувчи ва бундан кейин “Пудратчи” деб юритилувчи **“OZODBEK-XURSHIDJON” МЧЖ** директори С.Давранова объектда қурилиш-монтаж ишларини бажриш бўйича ушбу пудрат шартномасини тузишди.

### I. ТАЪРИФЛАР.

1.1. Ушбу шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари –** иш учун масъул шахсларнинг натурада бажарилган ишлари ёки уларга киритилган ўзгартиришлар ушбу чизмаларга мувофиқлиги ёзувлари қайд этилган объект қуриш учун ишчи чизмалар тўплами, ўрнатилган асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материаллар, тузилмалар ва қисмларнинг сифатини тасдиқловчи сертификатлар, техник паспортлар ва бошқа ҳужжатлар, яширинишларни текшириш бўйича далолатномалар, алоҳида масъул тузилмаларни оралиқ қабул қилиш бўйича далолатномалар, таъмирланган асбоб-ускуналарнинг индивидуал синовлари бўйича далолатномалар, иш журналлари ва қурилиш меъёрларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдончаси** – Буюрмачи томонидан ушбу шартнома бўйича барча ишларни бажариш муддати учун Пудратчига далолатнома асосида берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдончаси чегаралари бош режага мувофиқ ўрнатилган панжара ёки бошқа белгилар билан кўрсатилади;

**вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига “Паркент тумани Навруз МФЙдаги (Шўроп ва Гулзор) кўчаларига ичимлик суви билан таъминлаш”лойиҳасида кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган ишлар қиймати tender.mc.uz электрон платформасида ўтказилган тендер(лот 22110012144753) натижалари (04.10.2022 йилдаги 144753-сон баёни)га асосан ҚҚС билан бирга **626 535 463 (Олтиюз йигирма олти миллион беш юз ўттиз беш минг тўрт юз олтмиш уч)** сўмни ташкил этади.

3.2. Қуйидаги холатларда ишнинг қийматига томонларнинг келишувига кўра ўзгартириш киритишга рухсат этилади:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда ишни Буюртмачига топшириш;

Буюртмачи томонидан тасдиқланган жадвалга мувофик жорий ойнинг 25 календар кунидан кечиктирмасдан бажарилган ишларнинг далолатномаларини (бузилиш далолатномаси, объектнинг паспорти, яширин иш далолатномаси, фойдаланилган қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ичимлик суви учун фойдаланилган полиэтилен қувурларнинг гидравлик синовлари далолатномаси, бажарилувчи ишлар жадвали (Ф-2; Ф-3;), бажарилган ишлар тўғрисида фотоальбом, ичимлик сувининг ишлатилган полиэтилен кувурларини зарарсизлантириш бўйича синов хисоботи (СЭСдан), ишни ишлаб чиқариш учун умумий журнал ва бошқалар) тақдим этиш;

қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

Пудратчи Буюртмачи ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан асосий жиҳозлар ва қурилиш материалларини келишиб олишга мажбурдир;

зарур ҳолатларда қурилиш майдончаси ҳудудида ўз маблағлари ҳисобидан ва бу ҳақда Буюртмачини олдиндан хабардор қилган ҳолда вақтинчалик иншоотлар қуриш;

ёлланадиган субпудратчи корхоналар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш ва келишиш;

субпудратчилар Буюртмачи олдида Пудратчининг мажбуриятлари бўйича тенг даражада жавобгар бўладилар;

шартномадан оғишган иш натижасини ёмонлаштирадиган ёки ишдаги бошқа камчиликлар аниқланганда Буюртмачи томонидан белгиланган ҳажм ва муддатларда бартараф этиш бўйича Буюртмачи томонидан қўйилган барча талабларни бажариш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада ҳамда I бўлимда назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи Буюртмачининг қурилиш вақтида олинган кўрсатмаларини, агар бундай кўрсатмалар ушбу шартнома шартларига зид бўлмаса ва пудратчининг операцион ва хўжалик фаолиятига аралашиш ҳисобланмаса, бажариши шарт.

Ишни нотўғри бажарган пудратчи, Буюртмачи томонидан уларнинг бажарилиши устидан назорат ва назоратни амалга оширмаганлиги ҳақида гапиришга ҳақли эмас, агар қонун

ҳужжатларида бундай назорат ва назоратни амалга ошириш мажбурияти Буюртмачига юкланмаган бўлса.

4.3. Қуйидагилар аниқланганда Пудратчи Буюртмачини дарҳол хабардор қилиши ва ундан жавоб олишдан олдин ишни тўхтатиб туриши шарт:

дастлабки маълумотларнинг, лойиҳа-техник ҳужжатларнинг ёки Буюртмачи фойдаланишга топширган нарсанинг яроқсизлиги ёки сифатсизлиги;

Буюртмачининг ишни бажариш усули бўйича кўрсатмаларини бажарилиши натижасидаги салбий оқибатлар;

Пудратчининг назорати остида бўлмаган, бажарилган иш натижаларининг мувофиқлиги ёки мустаҳкамлигига таҳдид соладиган ёки уни ўз вақтида бажаришни имконсиз қиладиган бошқа ҳолатлар.

Пудратчи Буюртмачини юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида огоҳлантирмаган ёки оқилона вакт ичида Буюртмачининг огоҳлантиришга жавобини кутмасдан ишлашни давом эттирса ёки Буюртмачининг ишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ўз вақтида кўрсатмасига қарамай, унга кўрсатилган ҳолатлар бўйича тегишли талаблар тақдим этилганда, Буюртмачини айблаш ҳуқуқига эга эмас.

4.4. Пудратчи қурилиш материаллари, шу жумладан қисмлар ва конструкциялар, шунингдек жиҳозлар билан таъминлаш учун жавобгардир.

4.5 Пудратчи ШНК-3.01.04-19 “Қурилиши тугалланган обектларни фойдаланишга қабул қилиш. Асосий холатлар” 3.5 бандига мувофиқ ижро-техник ҳужжатлар тўпламини тақдим қилади.

4.6. Пудратчи Буюртмачи олдида барча ишларни ўз кучлари ва ресурслари билан тўғри бажариш, шунингдек, ушбу шартнома бўйича объектни етказиб бериш учун тўлиқ мулкий жавобгарликни ўз зиммасига олади.

4.7. Пудратчи Буюртмачи томонидан топширилган, шартномани бажариш муносабати билан Пудратчининг ихтиёрида бўлган мол-мулкнинг сақланмаганлиги учун жавобгар бўлади.

4.8. Пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ ишларни бажаришда атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва қурилиш ишлари хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиши шарт ва ушбу талабларни бузганлик учун учинчи шахслар олдида жавобгар бўлади.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини 7 кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

ҳар ойлик якунланган ишлар далолатномасига мувофик Пудратчини молиялаштириш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

шартнома имзоланган санадан 5 кун ичида пудратчига тўлик лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини тақдим қилади.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Шартнома:

миллий валюта “сўм”да ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўм"да ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

6.2. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

6.4. Қурилиш муддати: аванс тўлови пудратчининг ҳисоб рақамига келиб тушган кундан бошлаб 60 кун.

## VII. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома суммасининг 30 фоизи миқдорида (тенг улушларда икки ойга бўлинган ҳолда) аванс тўлайди, бу ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 187 960 638(бир юз саксон етти миллион тўққиз юз олтмиш минг олти юз ўттиз саккиз) сўмни ташкил этади.

7.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишларнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқиб, ижро ва техник ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, иш ва молиялаштириш жадвалига мувофиқ, бажарилган ишларнинг сифати текширилгандан сўнг аванс маблағларни пропорционал ушлаб қолган ҳолда иш ҳажмининг 90 фоизи миқдорида молиялаштиради.

7.3 Объектни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси тасдиқлангандан сўнг камида 1(бир) йиллик кафолат муддати тугагандан сўнг қолган 10 фоиз маблағлар билан молиялаштирилади.

7.4. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.5. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларни мунтазам равишда ўтказади.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

8.8. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.9. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.10. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.11. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.12. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.13. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва Қурилиш соҳасида назорат ҳудудий инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.14. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг Қурилиш соҳасида назорат ҳудудий инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.17. Агар Буюртмачи Пудратчи томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.18. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча йўлакларини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супурибсидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

Пудратчи лойиҳа ҳужжатларида назарда тутилган ишларнинг тўлиқ ҳажмини бажаради, ҳатто айрим турдаги ишларнинг сметасида қолдирилган тақдирда ҳам, пудратчи уларни мустақил равишда ва қурилиш қийматини оширмасдан тўлиқ бажаришга мажбурдир.

Кейинги йиллар учун шартномавий қурилиш нархининг ўсиш суръатларини аниқлаш учун ҳисоб-китобларга иш бошланган кундан бошлаб 12 ойдан кейин рухсат берилади.

8.19. Ишлар бошланган пайтдан улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулкни лозим даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун жавобгарликни фойдаланишга қабул қилган фойдаланувчи ташкилот ўз зиммасига олади.

9.3. Пудратчи бажарилган ишларнинг хавфсизлиги учун жавобгардир.

9.4. Пудратчи, агар шартномада томонлар томонидан бошқача тартиб ва шартлар белгиланмаган бўлса, шартномада назарда тутилган объектни ёки ишлар мажмуасини ўз ҳисобидан суғурта қилишга мажбурдир.

9.5. Суғурта Пудратчини суғурта ҳодисаси юзага келишининг олдини олиш учун зарур чораларни кўриш мажбуриятидан озод қилмайди.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки сақлаб қолиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3. Пудратчи Буюртмачига топширилган ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши шарт.

11.4. Қабул қилинган пайтдан бошлаб объект фойдаланувчи ташкилотга топширилгунга қадар Буюртмачининг мулкига ўтади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.4. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Қурилиш соҳасида назорат ҳудудий инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бир ойдан ортиқ муддатга бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIV. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда айбдор тараф:

иккинчи тарафга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим. Шу билан бирга, Буюртмачи мазкур объектнинг давлат бюджетидан ўз вақтида молиялаштирилмаганлиги учун жавобгар эмас.

Жарима фоизларини тўлаш Буюртмачини шартнома шартларини бузиш натижасида етказилган зарардан озод қилмайди.

14.3. Пудратчи Буюртмачи олдида ушбу шартномада назарда тутилган талаблардан, томонлар учун мажбурий бўлган техник лойиҳа ва қурилиш нормалари ва қоидаларидан, шунингдек, лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган қурилиш объектининг тугалланмаган кўрсаткичлари, шу жумладан корхонанинг ишлаб чиқариш қувватидаги ҳар қандай оғишлар учун жавобгардир.

Бундай ҳолда, Пудратчи бино, иншоот ёки унинг бир қисмининг мустаҳкамлиги, барқарорлиги, ишончлилигининг пасайиши ёки йўқолиши учун жавобгардир.

14.4. Пудратчи қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида якулланмаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

Пудратчининг ҳақиқий харажатлари ишнинг нархини аниқлашда (смета тузишда) хисобга олинганидан камроқ бўлган ҳолларда, Буюртмачи Пудратчидан белгиланган иш нархини мутаносиб равишда камайтиришни талаб қилишга ҳақли, агар у Пудратчи томонидан

тежалган маблағ бажарилган иш сифатига таъсир қилганлигини исботласа.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

Агар иш Пудратчи томонидан ушбу шартномадан четга чиқиш, иш натижасини ёмонлаштирган ёки уни шартномада кўзда тутилган фойдаланиш учун яроқсиз қиладиган бошқа камчиликлар билан бажарилган бўлса ёки бажарилган иш ушбу шартноманинг қурилиш меъёрлари ва қоидалари, иш ҳужжатларининг белгиланган стандартлари сифатига мос келмаса, Буюртмачи давлат экспертиза органининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва маблағлар тўлашдан бош тортади, шунингдек Пудратчидан сифатсиз иш нархининг 1% миқдорида жарима ундиради.

Буюртмачи Пудратчидан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

камчиликларни оқилона муддатларда беминнат бартараф этиш;

иш учун белгиланган нархнинг мутаносиб равишда пасайиши;

камчиликларни бартараф этиш учун қилган харажатларини қоплаш.

Агар ишда ушбу шартнома шартларидан четга чиқишлар ёки иш натижасидаги бошқа камчиликлар сезиларли ва тузатиб бўлмайдиган бўлса ёки Буюртмачи томонидан белгиланган оқилона вақт ичида аниқланган камчиликлар бартараф этилмаса, Буюртмачи шартномани бажаришни рад этиш ва Пудратчидан етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

14.5. Тегишли органлар томонидан объект фойдаланишга топширилгандан сўнг, қурилиш меъёрлари ва қоидаларининг, иш ҳужжатларининг белгиланган стандартларига жавоб бермайдиган ёмон бажарилган ишлар аниқланган тақдирда, Пудратчи ва унинг субпудратчилари ушбу органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли миқдорни қоплашлари шарт.

14.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

14.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда лозим даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Шартномани бажариш ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарни қоплашда тарафлар томонидан ҳал этилмаган баҳсли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро Иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.6. Пудратчи ушбу Шартнома шартларида назарда тутилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда, Буюртмачи уни бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

16.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.8. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ҳамда тегишли Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

## XVII. ШАРТНОМА МУДДАТИ

17.1. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача.

**Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:**

**“БУЮРТМАЧИ”**

**“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси**
Тошкент ш., Ниёзбек йули-1
ш/хр:4017 2286 0272 4970 6320 1110 001
СТИР 305 973 162, ОКОНХ 42210
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг Операцион бошқармаси
Ғаз/хр 234020003001000 01010
Банк МБ ББ ХККМ Тошкент ш.,
МФО 00014
Ғазначилик бўлими СТИР 201122919

**Бошқарма бошлиғи ____________ А.С. Махсудов**

Юрист ____________ Х.Кадирова

**“ПУДРАТЧИ”**

**“OZODBEK-XURSHIDJON” МЧЖ**

Бухоро вилояти Шофиркон тумани
Жуйработ КФЙ Кўришкент қишлоғи
р/с: 2020 8000 6009 8396 2001
МФО: 00440
АТБ Ўзсаноатқурилишбанк Бош офиси
ИНН 305 986 709
Тел: 93 051 98 18

**Раҳбар: ____________ С.Ф. Давранова**

"10" 10 2022й.
11/22 - сонли шартномага 1-илова

“Тошкент вилояти“Паркент тумани Навруз МФЙдаги (Шўрои ва Гулзор) кўчаларига ичимлик суви билан таъминлаш”

## ОБЪЕКТИ БЎЙИЧА ИШЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИ
## УМУМИЙ ЖАДВАЛИ
## АВАНС ШАРТЛАРИНИ ВА
## ЖОРИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

**Ушбу шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган ишлар киймати tender.mc.uz электрон платформасида ўтказилган тендер(лот 22110012144753) натижалари (04.10.2022 йилдаги 144753-сон баёни)га асосан ҚҚС билан бирга 626 535 463 (Олтиюз йигирма олти миллион беш юз ўттиз беш минг тўрт юз олтмиш уч) сўмни ташкил этади.**

| МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ | Ишларнинг киймати | 2022 йил учун жами | ойлар кесимида | | | | | | | | | 2023 йил | Кафолат суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | май | июнь | июль | август | август | сентябрь | октябрь | ноябр | декабр | | |
| 30% миқдорда аванс | 187 960 638 | 187 960 638 | | | | | | | 93 980 319 | 93 980 319 | | | |
| Бажарилган иш ҳажмининг 60% миқдорида жорий молиялаштириш | 375 921 279 | 375 921 279 | | | | | | | | | 375 921 279 | | |
| Кейинги йиллар молиялаштириш | 62 653 546 | | | | | | | | | | | | 62 653 546 |
| ЖАМИ: | 626 535 463 | | | | | | | | | | | | |

Буюртмачи:

“Сув таъминоти ва канализация иншоотларини қуриш муҳандислик компанияси” УКнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги ҳудудий бошқармаси бошлиғи

_____________ А.Махсудов

Пудратчи:

“OZODBEK-XURSHIDJON” МЧЖ

_____________ С. Давранова

"10" 10 2022 й.даги
11122 - сонли шартномага 2-илова

## "Тошкент вилояти"Паркент тумани Навруз МФЙдаги (Шўроп ва Гулзор) кўчаларига ичимлик суви билан таъминлаш"

### ОБЪЕКТИ БЎЙИЧА ИШЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
### УМУМИЙ ЖАДВАЛИ
### АВАНС ШАРТЛАРИНИ ВА
### ЖОРИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

Иш ишлаб чиқариш муддати 60 кун

Ушбу шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган ишлар киймати tender.mc.uz электрон платформасида ўтказилган тендер(лот 22110012144753) натижалари (04.10.2022 йилдаги 144753-сон баёни)га асосан ҚҚС билан бирга 626 535 463 (Олтиюз йигирма олти миллион беш юз ўттиз беш минг тўрт юз олтмиш уч) сўмни ташкил этади.

| Ишларнинг номланиши | Ишларнинг нархи | 2022 йилда бажариладиган ишлар ҳажми | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | май | июнь | июль | август | сентябрь | октябр | ноябр | декабр |
| Объект бўйича жами: | 626 535 463 | | | | | | | 225 552 767 | 400 982 696 |
| Шу жумладан: | | | | | | | | | |
| Қурилиш-монтаж ишлари | 626 535 463 | | | | | | | 225 552 767 | 400 982 696 |
| Асбоб-ускуналар | | | | | | | | | |

Буюртмачи:

"Сув таъминоти ва канализация иншоотларини қуриш муҳандислик компанияси" УКнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги худудий бошқармаси бошлиғи

_______ А.Махсудов

Пудратчи:

"OZODBEK-XURSHIDJON" МЧЖ

_______ С. Давранова

**«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»**
**“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи в.в.б**

_______________ **А.Махсудов**
«10» октябр **2022 йил**

**“Паркент тумани Навруз МФЙдаги (Шўроп ва Гулзор) кўчаларига ичимлик суви билан таъминлаш” (лот 144753) объектида қурилиш-монтаж ишларини олиб борувчи ташкилотни танлаб олиш учун комиссия йиғилиши**

**БАЁННОМАСИ 144753/1**

**«10» октябр 2022 й.** **Тошкент шаҳри**

Харид комиссиялари ишини ташкил этиш мақсадида, “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2022 йил 10 мартдаги 8-и/ч сон буйруғи билан тасдиқланган энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид комиссияси таркиби қуйидагича:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Комиссия раиси:** | **А.Махсудов** | - | “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти худудий бошқарма бошлиғи в.в.б; |
| **Комиссия аъзолари:** | **И.Мухитдинов** | - | Бошлиқ ўринбосари; |
| | **К.Каримов** | - | Бўлим бошлиғи; |
| | **Р.Оқилов** | - | Бўлим бошлиғи; |
| | **Н.Умаров** | | Бўлим бошлиғи; |
| **Комиссия котиби:** | **Д.Исакулова** | - | Бўлим бошлиғи; |

Д.Исакулова ўрнига йиғилишда Р.Ғаниев қатнашди.
Н.Умаров йиғилишда иштирок этмади.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ғолиб ташкилот билан шартнома имзолаш.

**Кун тартиби масаласи юзасидан** комиссия раиси А.Махсудов сўзга чиқиб, “Халқ депутатлари Паркент тумани кенгашининг 2021 йил 29 сентябрдаги VI/XXXVIII-I-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қарори таъминлаш мақсадида, **“Паркент тумани Навруз МФЙдаги (Шўроп ва Гулзор) кўчаларига ичимлик суви билан таъминлаш”**объектида қурилиш-монтаж ишларини олиб борувчи ташкилотни танлаб олиш бўйича савдолар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сон Қонуни талаблари асосида электрон тарзда (лот рақами 144753) ўтказилганлигини маълум қилди.

Комиссия раиси А.Махсудов комиссиянинг ишини очиқ деб эълон қилиш, ҳамда кун тартибидаги масалани тасдиқлашни овозга қўйди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.

Комиссия котиби қатнашчиларга лот рақами 144753 бўлган савдолар бўйича 10.10.2022 йилда комиссия баённомаси шакллантирилганлигини маълум қилди. Ўзбекистон Республикасининг

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 62-моддаси 2-хатбошига мувофиқ ғолибни белгилаш тўғрисидаги баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилганлигини маълум қилди.

Икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлигини, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги таъкидланди.

Комиссия аъзолари фикрлари тингланиб бир овоздан

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**“Паркент тумани Навруз МФЙдаги (Шўроп ва Гулзор) кўчаларига ичимлик суви билан таъминлаш”** объектида қурилиш-монтаж ишларини олиб борувчи ташкилотни танлаб олиш 10.10.2022 йилдаги баённомага асосан **“OZODBEK-XURSHIDJON”** МЧЖ ҳамда “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ўртасида шартнома имзолансин.

**Йиғилиш баённомасининг тузилиши тўғри деб топилиб, комиссия аъзолари**

**А.Махсудов** ____________

**И.Мухитдинов** ____________

**К.Каримов** ____________

**Р.Оқилов** ____________

**Котиб**
**Р.Ғаниев** ____________

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 144753 на приобретение “Паркент тумани Навруз МФЙдаги (Шӯроп ва Гулзор) кӯчаларига ичимлик суви билан таъминлаш”

Способ проведения электронный

Дата 04.10.2022

Время рассмотрения 12.09.2022 10:38

Закупочная комиссия Сув таъминоти ва Окова сув объект. курилиши буйича инжен. компан. унитар корхо. Тошкент вил. худудий бошка, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | MAXSUDOV ANVAR SOYIBOVICH | Бош муҳандис | “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бӯйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси |
| **Секретарь комиссии** | ISAQULOVA DILNOZA BERDIKULOVNA | Начальник отдела | УП “Инжиниринговая компания по строительству объектов водоснабжения и канализации» по г.Ташкенту и Ташкентской области |
| **Член комиссии** | MUXITDINOV ISLOM ISROILOVICH | Заместитель начальника управления | “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бӯйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти худудий бошқармаси |
| **Член комиссии** | TUYCHIYEV SHOXRUX ORTIKJANOVICH | Начальник отдела | “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бӯйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси |
| **Член комиссии** | KARIMOV KARIMJON YUSUFOVICH | Бӯлим бошлиғи | “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бӯйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти худудий бошқармаси |
| **Председатель комиссии** | URALBAYEV FARMONBEK TURABAYEVICH | Начальник управления | “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бӯйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 04.10.2022 года № лота 144753.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Строительно монтажные работы** |
| Подробное описание | Паркент тумани "Навруз" МФЙдаги (Шӯроп ва Гулзор) кӯчаларига ичилик суви билан таъминлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за | 697 190 000.00 |

| | |
|---|---|
| единицу | |
| Стартовая сумма | 697 190 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида QR кодли маълумотно

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида QR кодли маълумотно

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Strong Service Group" MCHJ** | 10 | 674616466 | 10 | Экспертная | | |
| **OOO OZODBEK-XURSHIDJON** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |
| **MONUMENT STROY MCHJ** | 10 | Солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида QR кодли маълумот | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Хизмат кўрсатувчи банкдан картотека К-2 қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Хизмат кўрсатувчи банкдан картотека К-2 қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Strong Service Group" MCHJ** | 10 | 674616466 | 10 | Экспертная | | |
| **OOO OZODBEK-XURSHIDJON** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |
| **MONUMENT STROY MCHJ** | 10 | Хизмат кўрсатувчи банкдан картотека К-2 қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Асосий воситаларинг қолдиқ қиймати – 100 млн.сўм ва ундан кўп

Тип: Текстовое значение

Описание: Асосий воситаларинг қолдиқ қиймати – 100 млн.сўм ва ундан кўп

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Strong Service Group" MCHJ** | 10 | 674616466 | 10 | Экспертная | | |
| **OOO OZODBEK-** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **XURSHIDJON** | | | | | | |
| **MONUMENT STROY MCHJ** | 10 | Асосий воситаларинг қолдиқ қиймати – 100 млн.сўм ва ундан кўп | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Қурилиш майдонини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш майдонини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Strong Service Group" MCHJ** | 6 | 674616466 | 6 | Экспертная | | |
| **ООО OZODBEK-XURSHIDJON** | 6 | 6 | 6 | Экспертная | | |
| **MONUMENT STROY MCHJ** | 6 | Қурилиш майдонини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома | 6 | Экспертная | | |

Критерий №5 Олий маълумотли қурилиш соҳасида 3 йил иш стажига эга мутахассислар - 5 киши

Тип: Текстовое значение

Описание: Олий маълумотли қурилиш соҳасида 3 йил иш стажига эга мутахассислар - 5 киши

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Strong Service Group" MCHJ** | 10 | 674616466 | 10 | Экспертная | | |
| **ООО OZODBEK-XURSHIDJON** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |
| **MONUMENT STROY MCHJ** | 10 | Олий маълумотли қурилиш соҳасида 3 йил иш стажига эга мутахассислар | 10 | Экспертная | | |

Критерий №6 Қурилиш пудрат ташкилотининг электрон рейтинги: - DD – 3 балл; - DDD – 6 балл; - C – 9 балл; - CC – 12 балл; - CCC – 15 балл; - B -18 балл; - BB – 21 балл; - BBB (ва ундан юкори)

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш пудрат ташкилотининг электрон рейтинги: - DD – 3 балл; - DDD – 6 балл; - C – 9 балл; - CC – 12 балл; - CCC – 15 балл; - B -18 балл; - BB – 21 балл; - BBB (ва ундан юкори)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Strong Service Group" MCHJ** | 24 | 674616466 | 6 | Экспертная | | |
| **ООО OZODBEK-XURSHIDJON** | 24 | 6 | 6 | Экспертная | | |
| **MONUMENT STROY MCHJ** | 24 | Қурилиш пудрат ташкилотининг электрон рейтинг | 12 | Экспертная | | |

Критерий №7 Охирги йилда ўхшаш ишларни бажарганлик – буюртмачи чегаравий қийматининг 50 фоизидан юқори

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги йилда ўхшаш ишларни бажарганлик – буюртмачи чегаравий қийматининг 50 фоизидан юқори

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Strong Service Group" MCHJ** | 10 | 674616466 | 10 | Экспертная | | |
| **ООО OZODBEK-XURSHIDJON** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |
| **MONUMENT STROY MCHJ** | 10 | Охирги йилда ўхшаш ишларни бажарганлик | 10 | Экспертная | | |

Критерий №8 Ишларни бажариш учун экскаваторнинг мавжудлиги – 1 та

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажариш учун экскаваторнинг мавжудлиги – 1 та

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Strong Service Group" MCHJ** | 10 | 674616466 | 10 | Экспертная | | |
| **ООО OZODBEK-XURSHIDJON** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |
| **MONUMENT STROY MCHJ** | 10 | Ишларни бажариш учун экскаватор мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №9 Олий маълумотли қурилиш соҳасида 5 йил иш стажига эга раҳбарлар – 1 киши

Тип: Текстовое значение

Описание: Олий маълумотли қурилиш соҳасида 5 йил иш стажига эга раҳбарлар – 1 киши

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Strong Service Group" MCHJ** | 10 | 674616466 | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО OZODBEK-XURSHIDJON** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |
| **MONUMENT STROY MCHJ** | 10 | Олий маълумотли қурилиш соҳасида 5 йил иш стажига эга раҳбар | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **MONUMENT STROY MCHJ** | 697 190 000.00 | 626 535 463.00 UZS | 626 535 463.00 | 00.00 | 626 535 463.00 | 07.09.2022 15:59:31 | 100 |
| **ООО OZODBEK-XURSHIDJON** | 697 190 000.00 | 655 358 600.00 UZS | 655 358 600.00 | 00.00 | 655 358 600.00 | 07.09.2022 14:44:39 | 95.60193 |
| **"Strong Service Group" MCHJ** | 697 190 000.00 | 674 616 466.00 UZS | 674 616 466.00 | 00.00 | 674 616 466.00 | 07.09.2022 13:09:11 | 92.87284 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **MONUMENT STROY MCHJ** | Прошел | 100 | 100 |
| **ООО OZODBEK-XURSHIDJON** | Прошел | 95.60193 | 95.60193 |
| **"Strong Service Group" MCHJ** | Прошел | 92.87284 | 92.87284 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 144753 от 04.10.2022 года на приобретение “Паркент тумани Навруз МФЙдаги (Шўроп ва Гулзор) кўчаларига ичимлик суви билан таъминлаш” определила победителем:

MONUMENT STROY MCHJ
303082324

и резервный исполнитель: ООО OZODBEK-XURSHIDJON (305986709)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | URALBAYEV FARMONBEK TURABAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAXSUDOV ANVAR SOYIBOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MUXITDINOV ISLOM ISROILOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TUYCHIYEV SHOXRUX ORTIKJANOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | KARIMOV KARIMJON YUSUFOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сирдарё вилояти

Sirdaryo viloyati 120100, Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, Hondamir ko‘chasi, 7-uy, Tel. +998 67 226-06-61, E-mail: sirdarya_davekspert@mail.ru, www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy
Direktor: Gaimov Bo‘riboy Xolbayevich
Sana:28-06-2022 yil

**Yig'ma ekspert xulosasi № 48844**

**Obyekt nomi** « “Tashkent viloyati Parkent tumani "Navruz" MFY hududidagi aholining ichimlik suv tizimlarini yaxshilash ”»

**Buyurtmachi –** VK ob`yektlarini qurilishi IK Toshkent viloyati
**Bosh loyihachi** - ALFA-BEST-STROY MChJ
**Litsenziya** 30 12 2019.АЛ-000471
**Moliyalashtirish manbai** - mahalliy buydjet
**Bosh pudratchi** – tender (tanlov) asosida
**Qurilish turi** Qurilish
**Murojaat raqami:** № 47176

**1. Loyihalash uchun asos**

Qurilish Vazirligining 19.08.2019 y. 396-sonli buyrug`i.loyiha topshiriqnomasi.Texnik shart ES.Gidrogeologiya.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

Qurilish Vazirligining 19.08.2019 y. 396-sonli buyrug`i.loyiha topshiriqnomasi.Texnik shart ES.Gidrogeologiya.Loyiha smeta hujjatlari

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

“Tashkent viloyati Parkent tumani "Navruz" MFY hududidagi aholining ichimlik suv tizimlarini yaxshilash ” loyiha smeta hujjatlari “Suvta`minoti va oqava suv ob`ektlari qurilishi bo`yicha IK” Toshkent shahar va Toshkent viloyati hududiy boshqarmasi tamonidan tasdiqlangan 2022-yildagi loyihalash topshirig'iga muvofiq ishlab chiqilgan.

Qurilish quvurlari KMK 3.01.01-03 ga muvofiq yashirin ishlarni tekshirish hujjatlarini tuzish bilan qabul qilinadi, belgilangan shaklda yashirin ishlarning quyidagi bosqichlari va elementlari: Quvurlar uchun bazani tayyorlash.Yer osti quduqlarini o'rnatish. Quduq devorlari orqali quvur liniyasi o'tish joylarini muhrlash. Quvurlarni korroziyadan himoya qilish. ho`jalik ichimlik suv ta'minoti quduq ichida bog`lanmalar o'rnatish bilan yer yuzasidan -1,2 metr chuqurlikda yotqiziladi. Uy-joy suv ta'minoti tarmoqlari PE100 SDR 17.6 S8 polietilen bosim

quvurlaridan GOST 18599-2001 bo'yicha qabul qilingan.

Ichimlik suv tarmoqlari qurilishi; hujjatlari "Suvta`minoti va oqava suv ob`ektlari qurilishi bo`yicha IK" Toshkent shahar va Toshkent viloyati hududiy boshqarmasi tamonidan tasdiqlangan 2022-yildagi loyihalash topshirig'iga muvofiq ishlab chiqilgan. Polietilen truba d-110x6,3mm- 1,205km d-75x4,3mm-0,966km. d-50mm-0,065km. Zadvijka, flaneslar o`rnatish. Futlyar d-219x6mm. Korroziyadan himoyalash. PG-5 dona. Kolodes d-1.5m -7 dona.d-1.0m-1 dona.

Suv minorasi 25m3. 1 dona uycha bakterisid uskuna o`rnatish. tik quduq burg`ulash 150m-2 dona. 30x30m beton panel to`siq darvoza bilan o`rnatish.

**4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

ichimlik suv tizimlarini yaxshilash

**5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

loyiha topshiriqnomasi.Texnik shart ES.Gidrogeologiya.Loyiha smeta hujjatlari

**6. Ekspertiza natijalari.**

Joriy narxlardagi resurs smetasida quyidagilar hisobga olingan: Ishchi quruvchilar o`rtacha kishi soat ish xaqi 12% ijtimoiy sug`urta ajratmasi bilan 29 659,19 so`m. Mashina mexanizmlar 1mash/soatlik tarifi taxminiy olingan. Materiallar va konstruksiyalar qiymati "ҚУРИЛИШ ИҚТИСОДИЁТИ ИНСТИТУТИ"MChJ tomonidan ishlab chiqilayotgan joriy narxdagi 2022 yil 1 chorak katalogiga asosan olingan. Pudratchining boshqa xarajatlari 22.82 % hisoblangan. Buyurtmachi tamonidan smeta summasi QQS soligi va buyurtmachi xarajatlari bilan 1 878 650 870 so`m taqdim etilgan.

Ekspertiza jarayonida tik quduq burgulash rassenkalarini to`grilash natijasida ish haqidan-2 981 597 so`m, mashina nehanizmdan- 5 679 896 so`m, qurilish materiallaridan 9 756 530 so`m kamaydi/doloto-16 000 000 so`m/. Uskanalar harajatlaridan 20 846 000 so`m kamaydi (nasos ETSV 1 dona rezerv smetadan chiqarildi.bakteresid ustanovka 10m3/soat-9 670 000som). Natijada umumiy summadan 54 360 020 so`mga kamaydi.

**7. Xulosalar.**

Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Tashkent viloyati Parkent tumani "Navruz" MFY hududidagi aholining ichimlik suv tizimlarini yaxshilash " loyiha smeta hujjatlari kelgusida kelishish hamda tasdiqlash uchun, 15% QQS buyurtmachi boshqa harajatlari bilan cheklangan qiymati 1 824 290 855 so`m belgilanadi.

Shundan: Qurilish montaj ishlari QQS bilan – 1 719 618,429 ming so`m.

Qurilish montaj ishlari QQS siz – 1 495 320 ,373 ming so`m.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 22.04.2021 yildagi 684-sonli Qarori va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 31.01.2022 yildagi 46-sonli qarori talablariga rioya etilgan holda, hamda SHNK 4.01.16-09 me'yorlariga muvofiq tanlov

savdolarini o’tkazish uchun ob’yektning qiymati buyurtmachi tomonidan belgilanadi.

Tasdiqlash uchun tavsiya etilgan joriy ta’mirlash ishlari narxi cheklangan qiymat hisoblanib, asosiy qarorni buyurtmachi va bosh pudrat korxonasi tomonidan shartnomaviy munosabatlar orqali amalga oshiriladi.

**Bosh mutaxassis:** Toshbayev O‘ktamjon Abdurayimovich

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Паркент туман ҳокими**

__________ **Ш.Шоаҳмедов**
**“___” ________ 2022 йил**

**Паркент тумани Навруз МФЙда ўтказилган сайёр йиғилиш**
**БАЁНИ №1/8**

**2022 йил “15” августа** **Паркент тумани**

| | |
|---|---|
| **Раислик қилувчи:** | **Ш.Шоахмедов** - туман ҳокими |
| **Қатнашдилар:** | **И.Мухитдинов** - Сув таъминоти ва оқова сув объектри қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Тошкент вилояти ҳудудийбошқармаси бошлиғи<br>**Х.Мухитдинов –** Паркент тумани Бўрсилиқ сайлов округи депутати<br>**Э.Рахмонов -** Туман ҳокимининг ўринбосари;<br>**Р.Тожибоев -** Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғи;<br>**В.Ғаффоров** - “Тошкент сув таъминот” МЧЖ Паркент тумани бўлими бошлиғи<br>**А.Тўлаев –** Туман молия бўлимининг биринчи ринбосари.<br>**И.Ашуров** - “ALFA BEST STROY ” МЧЖ лойиҳачи ташкилот рахбари<br>**К.Жалолов –** Наврўз МФЙ раиси |
| ***Йиғилиш котиби:*** | **Ш.Акрамов** - туман ҳокимлиги мутахассиси |

**К У Н Т А Р Т И Б И:**

**“Паркент тумани Наврўз МФЙдаги (Шўроп ва Гулзор) кўчаларини ичимлик суви билан таъминлаш” объектида амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш**

(Шоахмедов, Рахмонов, Тўлаев, Мухитдинов, Ғаффоров, , Шоаҳмедов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарори ижроси

паркент тумани Наврўз МФЙда олиб борилаётган ишлар жойида ўрганилди.

Кун тартибидаги масалаларни атрофлича муҳокама қилиб, шунингдек, масъул ташкилот ва идоралар раҳбарлари томонидан билдирилган фикр ва таклифларни инобатга олиб, йиғилиш

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ҳалқ депутатлари Паркент тумани кенгашининг 2021 йил 3 ноябрдаги VI/XXXIX-XI-сонли қарори билан Наврўз МФЙдаги (Шўроб ва Гулзор) кўчаларини ичимлик суви билан таъминлаш учун 769,3 млн сўм маблағлар ажратилганлиги инобатга олинсин.

2. Паркент тумани Наврўз МФЙдаги (Шўроб ва Гулзор) кўчаларини ичимлик суви билан таъминлаш" объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари "Лойиҳани ишлаб чиқишга топшириқ"га мувофиқ ишлаб чиқилганлиги ҳамда мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУКнинг 2022 йил 28 июндаги барча харажатларни инобатга олган ҳолда 1 824,29 млн. сўмлик № 48844-сон йиғма эксперт хулосаси тақдим этилганлиги инобатга олинсин.

2. Паркент тумани Наврўз МФЙдаги (Шўроп ва Гулзор) кўчаларини ичимлик суви билан таъминлаш объекти бўйича қурилиш-монтаж ишлари Лойиҳа смета ҳужжатлари ажратилга маблағлардан ошиб кетганлиги сабабли пудрат ташкилоти танламаганлиги қайд этилсин.

3. "ALFA BEST STROY " МЧЖ лойиҳачи ташкилот (И.Ашуров) Ҳалқ депутатлари Паркент тумани кенгашининг 2021 йил 3 ноябрдаги VI/XXXIX-XI-сонли қарори билан Наврўз МФЙдаги (Шўроб ва Гулзор) кўчаларини ичимлик суви билан таъминлаш учун ажратилган 769,3 млн сўм маблағ доирасидан чиқмаган холда лойиҳа-смета хужжатларига ўзгартириш киритилсин.

4. Паркент туман ҳокимлиги Молия бўлими (А.Тўлаев), Сув таъминоти ва оқова сув объектри қурилиши бўйича инжиниринг компанияси унитар корхонаси Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси (И.Мухитдинов), "Тошкент сув таъминот" МЧЖ Паркент тумани бўлими (Ғаффоров) Паркент тумани Наврўз МФЙни сувлаштириш бўйича ажратилган маблағлар доирасида биринчи навбатда қилиниши керак бўлган экспертизадан ўтган иш ҳажмларини инобатга ҳолда ишларни бажаришга рухсат берилсин.

5. Паркент туман ҳокимлиги Молия бўлими (А.Тўлаев), Сув таъминоти ва оқова сув объектри қурилиши бўйича инжиниринг

компаниясиунитар корхонаси Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси (И.Мухитдинов), “Тошкент сув таъминот” МЧЖ Паркент тумани бўлими (Ғаффоров) “Паркент тумани Наврўз МФЙдаги (Шўроп ва Гулзор) кўчаларини ичимлик суви билан таъминлаш” объекти бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажарувчи пудрат ташкилотини танлаб олиш ҳамда молиялаштириш чораларини кўрсин.

6. Туман ҳокимининг ўринбосари (Рахмонов), “Тошкент сув таъминот” МЧЖ Паркент тумани бўлими (Ғаффоров) билан биргаликда қурилиш монтаж ишлари якунига етказилгандан сўнг ишчи хайат далалатномаси асосида объектни фойдаланишга қабул қилинишини таъминласин.

7. Мазкур баён топшириқлари ижросини назорат қилиш Паркент тумани ҳокими ўринбосари (Рахмонов) зиммасига юклансин.

**Баёнлаштирувчи:** **Ш.Акрамов**

Сув таъминоти ва оқова сув
объектри қурилиши бўйича
инжиниринг компанияси УК
Тошкент вилояти ҳудудий
бошқармаси бошлиғи **И.Мухитдинов**

Паркент тумани Бўрсилиқ
сайлов округи депутати **Х.Мухитдинов**

Туман ҳокимининг ўринбосари **Э.Рахмонов**

Маҳалла ва нуронийларни
қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғи **Р.Тожибоев**

“Тошкент сув таъминот” МЧЖ
Паркент тумани бўлими бошлиғи **В.Ғаффоров**

Туман молия бўлимининг
биринчи ринбосари **А.Тўлаев**
“ALFA BEST STROY ” МЧЖ
лойиҳачи ташкилот рахбари Ж. Кулбоев

Наврўз МФЙ раиси **К.Жалолов**

Расчетная стартовая стоимость строительства
в договорных текущих ценах объекта:

**СТРОИТЕЛЬСТВО СИСТЕМ ВОДОСНАБЖЕНИЯ СМГ "НАВРУЗ" ПАРКЕНТСКОМ РАЙОНЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ.**

Согласно данным государственный комитет Республики Узбекистан по архитектуре и строительству (кат.I-кв. 2022 г) и управления статистика Ташкентской области сложившаяся среднечасовая зарплата рабочих-строителей по отрасли «Строительство» по вилояту за январь месяц 2022 года по март месяц 2022 г. составила — 29 659,19 сум;
Основная заработная плата по объекту: 3299,18 X 29 659,19 = 97851,14 т.с

| № п/п | Наименование работ и затрат | Прямые затраты | | | | | | | | Проч.затрат подрядчика Ст10 x 0,19 | Всего Ст10 + Ст11 | Затрат на страх. объект Ст12 x 0,0032 | Оборудование | Трансп. услуг и скл. расх. Ст14 x 0,02 | Всего ст-сть без НДС. | Всего ст-сть с НДС | затрат заказчика | Всего ст-сть |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Зар.плата | Экспл. Машин и меха. | Стр-ые мат-ы, конс-ции | Трансп. услуг и скл. расх. Ст 5 x 0,05 | Кабельно-проводная изделия | Трансп. услуг и скл. расх. Ст 7 x 0,02 | Перевозка грунта | Всего прямых затрат | | | | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 1 | СИСТЕМ ВОДОСНАБЖЕНИЯ | 97851,14 | 73908,97 | 232555,31 | 11627,77 | 14282,91 | 285,66 | 10,63 | 430522,38 | 81799,25 | 512321,64 | 1639,43 | 90484,13 | 1809,68 | 606254,88 | 697193,11 | 72000,00 | 769193,11 |
| | ИТОГО | **97851,14** | **73908,97** | **232555,31** | **11627,77** | **14282,91** | **285,66** | **10,63** | **430522,38** | **81799,25** | **512321,64** | **1639,43** | **90484,13** | **1809,68** | **606254,88** | **697193,11** | **72000,00** | **769193,11** |

3299,18452

Главный инженер проекта :

Инженер - сметчик:

ALFA-BEST-STROY

**XALQ DEPUTATLARI PARKENT TUMANI KENGASHINING QARORI**

Parkenttumani 111300, Ichkiqo'rg'onko'chasi, 5-uy.

*2021 йил 29 сентябрь* **VI/XXXVIII- I– сон**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорига асосан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган жамоатчилик фикри асосида шаклланган ва овоз бериш якунига кўра “ғолиб” таклифларни танлаб олиш ҳамда уларга маблағ йўналтириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонлиқарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини тизимли равишда ташкил қилиб бориш зарурлиги ва юқоридаги қарорлардан келиб чиққан ҳолда, Ҳалқ депутатлари туман Кенгашининг2021 йил 12 майдаги **VI/XXX-II**-сон қарори ва унга асосан туман Ишчи гуруҳи таркиби, маблағларни жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ тасдиқланган.

Ушбу тадбирлар учун ҳозирги кунга қадар қуйидаги ишлар амалга оширилган:

**Жумладан,**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли қарорига мувофиқ, фуқароларни қийнаб келаётган муаммолар бўйича таклифларни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан **916,543 млн.сўм** йўналтирилиб, “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” махсус ғазна ҳисобварағида маблағ шакллантирилган.

Молия вазирлиги томонидан очилган Очиқ бюджет **(openbudjet.uz)** порталида 2021 йил 1 июлдан 1 августга қадар бўлган даврда туман фуқаролари томонидан жами 40 млрд. 483.2 млн. сўмлик 91 та таклиф киритилганлиги ва таклифлар Ишчи комиссиянинг 2021 йил 10 августдаги йиғилишида ушбу таклифлар комиссия аъзолари томонидан лойиха қийматлари қайта кўриб чиқилиб, 23 та таклиф такрорий бўлганлиги, 4 та таклиф бошқа дастурларга киритилганлиги, 11 та таклиф лойиҳа қиймати 980.0 млн. сўмдан ортиқ бўлиб, белгиланган тартибга зид эканлиги, 6 та таклиф Ҳалқ таълими йўналиши бўйича бўлиб, мактабларни қайтадан реконструкция қилиш ва таъмирлашда 2022 йилги инвестиция ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилиши мақсадга мувофиқ эканлиги, 5 та таклиф 2021-2022 йилда белгиланган тартибда ўзининг юқори турувчи вазирлигидан маблағлар

ажратилиши мақсадга мувофик эканлиги, 2 та таклиф ер ажратиш масаласи бўлганлиги, 1 та таклиф фоторадар ўрнатиш жойлари белгиланган қонунчилик талаблари асосида аукцион орқали сотувга қўйилиши сабабли ва 1 та таклиф IT маркази мавжудлиги сабабли рад этилганлиги ҳамда рад этилган таклифлар бўйича таклиф берган шахснинг шахсий кабинетига рад этишнинг асосланган сабаблари тўғрисида **хабарнома юборилган.**

Танлаб олинган 9 млрд. 536 млн. сўмлик 38 та таклифлар, маъсуллар томонидан қайта ҳисоб-китоблар қилиниб, лойиҳалар миқдори 10 млрд. 115.4 млн. сўм қилиб белгиланган ҳолда, жамоатчилик ўртасида йигирма кун давомида овоз бериш жараёнига рухсат берилган ва овоз бериш жараёни жорий йил 12 августдан 2 сентябрга қадар этиб белгиланган.

Фуқаролар томонидан овоз бериш жараёнига рухсат этилган 38 та таклифдан 29 тасига жами 6072 та овоз берилди ***(1-илова киритилган таклифлар кесимида берилган овозлар сони бўйича маълумот)***

Ишчи гуруҳнинг 2021 йил 27 сентябрдаги йиғилиш баёнига кўра юқоридаги қарор ва Низомлар асосида 2021 йил 6 сентябрда ишчи гурух томонидан ўтказилган йиғилишда кўрилган ва берилган топшириқларга асосан Низом талабларига кўра ғолиб деб топилган фуқаро Отабек Ориповнинг "Паркент тумани 13-сонли умумий ўрта таълим мактаби спорт зали қурилишини тугаллаши" ID рақами 1880300053 бўлган қиймати 880.0 млн. сўмлик, 1410 та овоз тўплаган таклиф бўйича спорт зали қурилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги "2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 321-сонли қарорига мувофиқ 2006 йил март ойида капитал реконструкция ишлари "Ҳисор тоғи" МЧЖ томонидан амалга оширилган.

2006 йил июл ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиш баёнига асосан мактабда 12х24 ўлчамда спорт зал қурилиши режалаштирилганлиги ва қурилиш ишлари "Ҳисор тоғи" МЧЖ томонидан бошланиб, пойдевор ҳамда қисман деворларга ғишт териш ишлари амалга оширилган вақтда баъзи сабабларга кўра спорт зал қурилиши учун ажратилиши лозим бўлган маблағ Республика бюджетидан ажратилмаганлиги боис қурилиш ишлари охирига етказилмай қолган. Бугунги кунга келиб спорт зал қурилиш ишлари 2006 йил бошланиб, якунланмай қолганлиги сабабли, орадан 15 йил ўтиб ҳозирги ҳолатдаги спорт залнинг тугалланмаган қисми яроқлилик муддати ва стандарт талабларига мос келиши бўйича ўрганилмаганлиги ва тегишли хулоса берувчи ташкилотлардан хулоса олинмаганлиги сабабли, спорт залнинг қурилишини тугалланмаган қисмини якунлаш бўйича қилинадиган ҳаражатнинг лойиха-смета хужжатлари ҳам йўқлиги сабабли, шунингдек, Низомнинг 17-бандига асосан белгиланган меъзонларга кўра "ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш" кўрсатилган бўлсада, аслида "ижтимоий соҳа объектларини қуриш" кўрсатилганлиги ҳамда таклифни молиялаштириш ишлари учун "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" махсус ғазна ҳисобварағидаги маблағ етарли бўлмаганлиги сабабли Низом талабларига зид деб топилиб, таклифни рад этиш бўйича 2021 йил 8 сентябрда №2/423-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 2021 йил 6 сентябрдаги 3-сонли йиғилиш баёни илова қилинган ҳолда мурожаат қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Тошкент вилояти Паркент тумани Ёшлик МФЙда яшовчи фуқаро Орипов Отабекдан "Паркент

тумани 13-сонли умумий ўрта таълим мактаби спорт зали қурилишини туғаллаши” ID рақами 1880300053 бўлган киймати 880.0 млн. сўмлик, 1410 та овоз тўплаган таклифини белгиланган Низом талабларига мос келмаганлиги учун рад этилишига қарши эмаслигини билдириб розилик хати берилиши бўйича кўрсатма берилди ва фуқаро Орипов Отабекдан розилик хати олинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан “Очиқ бюджет” ахборот порталида ғолиб деб топилган фуқаро Орипов Отабекнинг таклифи рад этилиб, ғолиблар рўйхатидан олиб ташланди.

Овоз бериш якунига кўра, Молия Вазирлигининг 2021 йил 6 сентябр кунги “Туман ва шаҳарларда фуқаролар томонидан билдирилган таклифлар асосида ғолибларни аниқлаш юзасидан” қўлланмаси талаблари асосида жамғармада шаклланган маблағ доирасида ЭНГ КЎП овоз олганлардан бошлаб, пастга қараб, 2 та таклиф “ғолиб” деб топилиб, ушбу таклифларнинг киймати 1 млрд. 105.3 млн. сўмни ташкил этмоқда.

“Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”да маблағимиз **916,543 млн.** сўмни ташкил этганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5250-сонли Қарорига асосан “Фукаролар ташаббуси жамғармаси”да **1 млрд.** сўмдан кам шаклланган туманларга қўшимча маблағлар ажратилиши кўрсатилган бўлиб, республика маблағларидан Паркент туманига **83.0 млн.** сўм маблағ ажратилди ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”да маблағимиз **999,543 млн.** сўмга шаклланган ҳолда 2-таклиф учун аниқланган харажат қиймати **769.3 млн.** сўм кўрсатилган бўлиб “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”да қолдиқ маблағимиз **663.543 млн.** сўмни ташкил этган ҳолда, 2-таклиф учун етишмаётган **105.757 млн.** сўм маблағлар маҳаллий бюджетимизнинг 2021 йил 3-чорак даромадлар режасининг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан қопланиши белгилаб олинди.

Ғолиб таклифларни молиялаштириш иловага мувофиқ манзилли рўйхат асосида амалга оширилади. ***(2-илова манзилли рўйхат)***

Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича тузилган шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги” Қонунининг 24-моддасига асосан Халқ депутатлари Паркент туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан ишчи гуруҳнинг 2021 йил 27 сентябрдаги йиғилиш баёни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

**2.** Молия Вазирлигининг 2021 йил 6 сентябр кунги “Туман ва шаҳарларда фуқаролар томонидан билдирилган таклифлар асосида ғолибларни аниклаш юзасидан” қўлланмаси талаблари асосида, ЭНГ КЎП овоз олган, 2 та таклиф “ғолиб” деб топилиб, ушбу таклифларнинг қиймати1 млрд. 105,3 млн. сўм

микдорида иловадаги манзиллий руйхат асосида тасдиклансин ва **ижро учун қабул қилинсин.**

- 2-таклиф учун етишмаётган **105.757 млн.** сўм маблағлар маҳаллий бюджетимизнинг 2021 йил 3-чорак даромадлар режасининг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

- Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича тузилган шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмасин.

- Буюртмачи ташкилотлар томонидан ажратилган маблағларни лойиха-смета хужжатлари асосида белгиланган тартибда мақсадли ишлатилишини ва амалга оширилган ишлар бўйича туман Кенгаши ва туман хокимлиги хузуридаги ишчи гурухга маълумот киритиб борсинлар.

**3.** Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари-матбуот котиби (Б.Шоғуломов), туман "Паркент тонги" газетаси (А.Махмудов) билан биргаликда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган ва "ғолиб" деб топилган тадбирларнинг молиялаштириши ҳамда амалга оширилиши лозим ишлар бўйича маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

**4.** Туман ҳокимлиги Молия бўлими (Модератор) маълумотларни "Очик бюджет" порталига жойлаштирилиб борилишини таъминласин.

**5.** Туман бюджетларининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларининг белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши ҳамда маблағларнинг ажратилиши учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига Ишчи комиссия аъзолари шахсан жавобгарлиги эслатиб ўтилсин.

**6.** Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи-ишчи гуруҳ раҳбари З.Йўлдашов ҳамда туман ҳокимининг ўринбосари Э.Рахмонов ва комиссия аъзолари зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Паркент туман Кенгаши раиси** **Ш.Шоахмедов**

Халк депутатлари Паркент туман
Кенгашининг 2021 йил 29 сентябрдаги
VI/XXXVIII-I-сонли карорига 1-илова

**Жамоатчилик фикри асосида "Опен бюджет" портали оркали колдирилган таклифларни баҳолаш, танлаб олиш ҳамда овоз бериш жараёнига рухсат берилиши тўғрисида**
**МАЪЛУМОТ**

| Т/Р | Таклиф колдирган фукаро | | | | Мурожаат | Ишчи гурух хулосаси | | | | | Овозлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | овоз бериш жараёнига рухсат берилган | | | | | |
| | Ф.И.О | Телефон раками | ID раками | Худуд номи | Мазмуни | Сони | Лойиханинг дастлабки киймати | хулоса берган маъсул ташкилот | Хулоса | Берилган хулосага асосан киймати | |
| | ТУМАН БЎЙИЧА ЖАМИ | | | | | 38 | 9 536 000 498,0 | x | x | 10 115 400 000,0 | 6072 |
| 1 | Отабек Оратов | 94-222-07-70 | 1880300053 | "Кумушкон" махалласи | Тошкент вилояти Паркент тумани 13-сонли умумий о'рта та'лим мактаби спорт зали курилишини тугаллаш | 1 | 880 000 000,0 | Паркент туман ХТБ | танловга қўйилса мақсадга мувофик бўлади | 880 000 000,0 | 1410 |
| 2 | Мирзохид Мирвалиев | 99-443-66-73 | 1880300026 | "Бўрсаник" махалласи | Паркент тумани Бурсаник МФЙ Коммуна 2-тор кўчасининг 800 метр асфалт ётқизиш керак | 1 | 400 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 336 000 000,0 | 1355 |
| 3 | Бобур Пўлатов | 99-884-27-21 | 1880300063 | "Наврўз" махалласи | Паркент тумани Наврўз махалласи шўрол ва гулзор кўчаларига ичимлик суви билан таъминлаш учун Ер остидан 100-120метр узунликда кудук казиб бериш оркали уни ахолига етказиб бериш хакида | 1 | 450 000 000,0 | Паркент туман Сув таъминоти бўлими | 422 нафар аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланади. | 769 300 000,0 | 981 |
| 4 | Хамидулла Курбоналиев | 93-516-02-01 | 1880300039 | "Хўжа" махалласи | Паркент туманида жойлашган Бобомочин номе масжиди курилишига моддий ёрдам бериш | 1 | 100 000 000,0 | Ишчи гурух | | 100 000 000,0 | 671 |
| 5 | Бахтиёр Олимов | 99-926-18-87 | 1880300005 | "Бодомтепа" махалласи | Бодомтепа МФЙ Шифокорлар кўчасини 200 метр кисмини асфалт килиш | 1 | 90 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 84 000 000,0 | 386 |
| 6 | Мохира Тоирова | 99-641-19-48 | 1880300087 | "Кўшкупир" махалласи | Кўшкупир МФЙ Самсарак кўчасини 1 кисми асфалт килиш | 1 | 480 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 480 000 000,0 | 304 |
| 7 | Азиз Тўлаев | 94-429-86-06 | 1800300001 | "Сой" махалласи | Паркент тумани махаллий бюджетининг даромадларини оширтириб бажарилган кисми хисобидан Паркент тумани Сой мфй Тамбалак кўчасини 500 метр йўлга асфальт ётказиш хамда электр симёғочларини янгилаб кўча чироклари ўрнатиш | 1 | 250 000 000,0 | Паркент ТЙФУК ва Ободонлаштириш бошкармаси | 4 дона таянч устунлари ўрнатиш<br>8 дона ёритиш чироклари ўрнатиш<br>400 метр кабел линияси тортиш<br>Бошкарув кутиси таъмирлаш | 210 000 000,0 | 207 |
| 8 | Рустам Давлатов | 94-362-90-06 | 1880300084 | "Кайнаш" махалласи | Кайнаш мфй тоғ кўчаси канализациясини таъмирлаш 200 метр масофасини | 1 | 150 000 000,0 | Паркент туман Сув таъминоти бўлими | | 150 000 000,0 | 167 |
| 9 | Фазлиддин Алиев | 94-423-90-70 | 1880300010 | "Истикбол" махалласи | Истикбол МФЙ 40-мактабдаги мавжуд ўкув синф хоналарининг 4 тасига линолеум ётқизилган. Хозирги кунда линолеумлар йиртилиб кетганлиги сабабли ўрнига тахталик пол қоқиш керак | 1 | 28 000 000,0 | Паркент туман ХТБ | танловга қўйилсин | 32 000 000,0 | 162 |
| 10 | Ахмаджон Латифбоев | 94-411-61-41 | 1880300050 | "Кичиккўргон" махалласи | Кичиккўргон МФЙ Кўкпарак кўчаси Столба ва ёғочларни холати жуда ёмонлиги | 1 | 20 000 000,0 | Паркент ТЭТК | 11 дона темир-бетон таянчларни алмаштириш керак | 22 000 000,0 | 98 |
| 11 | Дилноза Акбарова | 94-367-12-30 | 1880300059 | "Бўрсаник" махалласи | Бурсаник МФЙ ва хазинат кучасини асфальт килиш | 1 | 10 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 250 000 000,0 | 93 |
| 12 | Дилмурод Эгамбердиев | 93-617-52-62 | 1880300074 | "Ойбек" махалласи | Ойбек мфй Янгихаёт кўчаси асфалтини таъмирлаш | 1 | 48 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 48 000 000,0 | 72 |
| 13 | Хусан Туйчибоев | 93-605-52-12 | 1880300013 | "Сой" махалласи | Паркент шахри, Сой МФЙ, Тамбалак кучаси 1-25 уйлар мавзесидаги йулни асфалт килиш | 1 | 199 999 998,0 | Паркент ТЙФУК | | 168 000 000,0 | 54 |
| 14 | Саидакбар Комилов | 93-162-41-11 | 1880300022 | "Бошкапа" махалласи | Паркент тумани 8 сонли мактаб спорт майдончасини чим билан коплаш. | 1 | 150 000 000,0 | Паркент туман ХТБ | амалий ёрдам кўрсатиш максадга мувофик | 150 000 000,0 | 26 |
| 15 | Асадбек Йўлдошбоев | 99-911-19-45 | 1880300040 | "Бойвачон" махалласи | Туман худудида жойлашган масжидларни жорий таъмирлаш | 1 | 50 000 000,0 | Ишчи гурух | | 50 000 000,0 | 20 |
| 16 | Шавкат Абдурахимов | 94-598-93-32 | 1880300027 | "Чўкайбоа" махалласи | Асосий йўлдан асфалтгача бўлган 85 метр масофани асфалт килиш | 1 | 40 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 43 200 000,0 | 16 |
| 17 | Мирғиёс Махкамбоев | 99-892-36-35 | 1880300082 | "Мозорбоши" махалласи | Мозорбоши мфй Маъмур кўчаси электр тармоғидаги трансформатор ва электр симларини алмаштириш | 1 | 100 000 000,0 | Паркент ТЭТК | Янги трансформатор пункти хамда хаво тармоғи куриш керак | 100 000 000,0 | 13 |

| Т/Р | Таклиф қолдирган фуқаро | | | | Мурожаат | Ишчи гурух хулосаси | | | | | Овозлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | овоз бериш жараёнига рухсат берилган | | | | | |
| | Ф.И.О | Телефон рақами | ID рақами | Худуд номи | Мазмуни | Сони | Лойиҳанинг дастлабки қиймати | хулоса берган масъул ташкилот | Хулоса | Берилган хулосага асосан қиймати | |
| 18 | Бахтиёр Туйчиев | 99-646-47-86 | 1800300003 | "Ойбек" маҳалласи | Туманни марказида нахита жойга светофор урнатиш керак 1 Эргаш ота меҳмонхонаси-Саховат туйхонаси-супермаркет-стоянка кесишмасини очиб светофор куйиш керак 2 Автошохбекат-туман маркази-шаҳар томондан келган йуллари кесишадиган жойга светофор куйиш керак 3 Бозор енидан утадиган йул устидаги барча пешеходни олиб ташлаш керак | 1 | 150 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 400 000 000,0 | 11 |
| 19 | Сарвар Садиев | 99-004-52-52 | 1880300080 | "Ойбек" маҳалласи | Ойбек МФЙ Зиёлилар кўчасидаги 10 Дона эски Электр столбаларни алмаштириш | 1 | 10 000 000,0 | Паркент ТЭТК | 10 дона темир-бетон таянчларини алмаштириш керак | 20 000 000,0 | 7 |
| 20 | Анвар Рузметов | 99-826-94-06 | 1880300042 | "Кўшкупир" маҳалласи | Паркент шаҳри Кушкупир м.ф.й. Деҳконобод кучаси 6- оралик кучасида мавжуд эскирган электр сим ёғочларни аҳоли хонадонларидан кучага кучириб сим ёғочларни янгилаш | 1 | 30 000 000,0 | Паркент ТЭТК | | 20 000 000,0 | 4 |
| 21 | Мукаррам Салимова | 99-853-31-83 | 1880300065 | "Гулистон" маҳалласи | Коракалпок кишлоги Кунгай кўчасида 280 метр жойни асфалт қилиш | 1 | 120 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 117 600 000,0 | 4 |
| 22 | Мирвосил Мирзоакбаров | 94-429-49-25 | 1880300004 | "Кўшкупир" маҳалласи | Кўшкупир МФЙ "Деҳконобод" кўчасининг 4- ва 6- тор кўчаларига 1200 метрга асфалт ётқизиш | 1 | 500 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 576 000 000,0 | 3 |
| 23 | Хосият Йўлдошбоева | 94-360-25-22 | 1880300043 | "Кўйи" маҳалласи | Хисорак кишлогида жойлашган Ақушерлик комплексини таъмирлаш | 1 | 68 000 000,0 | Ишчи гурух | | 68 000 000,0 | 2 |
| 24 | Жамолиддин Гиёсов | 94-218-67-71 | 1880300044 | "Ўчок" маҳалласи | Ўчок МФЙга кўча чироқларини ўрнатиш | 1 | 52 000 000,0 | Ободонлаштириш бошқармаси | | 52 000 000,0 | 1 |
| 25 | Усмонкули Солтон | 99-891-27-71 | 1880300055 | "Кунгай" маҳалласи | Кунгай МФЙ Наврўз кўчаси Маҳаллани асфалт қилиш Аҳолига кулайлик яратиш | 1 | 300 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 300 300 000,0 | 1 |
| 26 | Умиджон Туйчиев | 97-116-44-87 | 1880300081 | "Наврўз" маҳалласи | Наврўз мфй Янгиҳаёт кўчасидаги эски таъмирталаб канализацияни таъмирлаш | 1 | 650 000 000,0 | Паркент туман Сув таъминоти бўлими | | 650 000 000,0 | 1 |
| 27 | Жамолиддин Асомов | 99-802-60-41 | 1880300085 | "Истиқбол" маҳалласи | Истиқбол МФЙ А Навоий кўчасида ичимлик суви 500 метр масофага тортиш | 1 | 200 000 000,0 | Паркент туман Сув таъминоти бўлими | 544 нафар аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланади | 76 000 000,0 | 1 |
| 28 | Окуллов Бернтов | 99-810-35-32 | 1880300086 | "Ойбек" маҳалласи | Ойбек мфй Азим Солтон кўчасини 800 метр масофасини асфалт қилиш | 1 | 335 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 336 000 000,0 | 1 |
| 29 | Лазиз Нуриддинов | 99-398-53-33 | 1880300088 | "Чўнқайнар" маҳалласи | Чўнқайнар мфй Гулбоғ кўчаси бўйлаб мактабгача бўлган масофага 1 км узунликда болалар хавфсизлиги учун пиёдалар йўлакчаси қуриш | 1 | 200 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 200 000 000,0 | 1 |
| 30 | Шоҳрух Йўлдошбоев | 99-722-19-45 | 1880300006 | "Чўнқайнар" маҳалласи | Паркент тумани Чўнқайнар маҳалласи Гулбоғ кўчасида жойлашган ҳозирги вақтда бўш, қаровсиз ётган майдондан унумли фойдаланиб, маҳалла ёшларини спортга кенг жалб қилиш (соғломлаштириш) мақсадида спорт майдончаси (сунъий қопламали футбол майдончаси ва Workout майдончаси) қуриш | 1 | 250 000 000,0 | Ишчи гурух | | 350 000 000,0 | 0 |
| 31 | Ботирали Жўрабоев | 90-044-86-87 | 1880300015 | "Нуробод" маҳалласи | Паркент тумани Чанги қишлоғи Нуробод МФЙ Шалак кўчасининг 1100 метр қисмини асфалт қилиш. | 1 | 470 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 462 000 000,0 | 0 |
| 32 | Зафар Аҳмедов | 99-839-77-83 | 1880300047 | "Олмазор" маҳалласи | Олмазор маҳалласи Чўлқудуқ кўчасини Маҳалламизга биринчи навбатда асфалт ётқизиш, кўчбола ёғоч устун (столба) ларни замонавий бетон устун (столба) ларга алмаштириш ҳамда 1972-1995 йиллар давомида ишлатган (ҳозирда ишламайди) вақтга мавжуд артезиан қудуқни қайтадан тўлиқ таъмирлатиб ичимлик суви билан таъминлаш. Маҳалламиздаги ушбу муаммолар ҳал этилса аълобўлар эди | 1 | 900 000 000,0 | Паркент ТЙФУК, Паркент ТЭТК | 6 дона темир-бетон таянчларни алмаштириш керак, 12000000 сўмга | 900 000 000,0 | 0 |
| 33 | Жалолиддин Маҳмудов | 99-441-20-40 | 1880300057 | "Обиқувон" маҳалласи | Кадрият,истиқлол,А.Навоий кўчаларини асфальтлаш ва болаларга сунъий қопламали футбол майдончасини қуриш | 1 | 800 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 500 000 000,0 | 0 |
| 34 | Меҳриддин Аҳметов | 99-826-29-55 | 1880300062 | "Наврўз" маҳалласи | Паркент тумани Наврўз МФЙ ҳудудига қарашли Нуран хайт, Амир Темур, Гулзор кўчаларини қайта таъмирлаш | 1 | 500,0 | Паркент ТЙФУК | | 150 000 000,0 | 0 |

| Т/Р | Таклиф киритган фукаро | | | | Мурожаат | Ишчи гурух хулосаси | | | | | Овозлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | овоз бериш жараёнига рухсат берилган | | | | | |
| | Ф.И.О | Телефон раками | ID раками | Худуд номи | Мазмуни | Сони | Лойиҳанинг дастлабки киймати | хулоса берган маъсул ташкилот | Хулоса | Берилган хулосага асосан киймати | |
| 35 | Хуршида Ғанихонова | 94-214-02-86 | 1880300067 | "Сой" махалласи | Сой махалласи Тамбалак кўчасини 200 метр кисмини асфалтлаш | 1 | 90 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 84 000 000,0 | 0 |
| 36 | Махбуба Назруллаева | 99-870-75-60 | 1880300069 | "Наврўз" махалласи | Наврўз МФЙ Амир Темур кўчасини 650 метр жойини асфалт килиш керак | 1 | 300 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 273 000 000,0 | 0 |
| 37 | Наргиза Эргашева | 99-005-72-38 | 1880300072 | "Истикбол" махалласи | Истикбол мфй Богишамол кўчасида Сарбон чойхонаси жойлашган кўча 400 метр атрофида асфалт ётқизиш | 1 | 165 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 168 000 000,0 | 0 |
| 38 | Нодир Обидов | 99-817-27-20 | 1880300083 | "Чўккайма" махалласи | Чўккайма мфй Нафис кўчасидаги 1 км узунликдаги йўлни асфалт килиш | 1 | 500 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 540 000 000,0 | 0 |

Халқ депутатлари Паркент туман Кенгашининг 2021 йил 29 сентябрдаги VI/XXXVIII-I-сонли қарорига 2-илова

Паркент тумани бўйича 2021 йилда жамоатчлик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

*минг сўмда*

| № | Ғолиб таклиф маълумотлари | | | Амалга оширишнинг аниқланган қиймати | Ҳақиқатда ажратилган | Молиялаштириш манбаси (ФТЖ, қўшимча манба, бюджет параметри) | Буюртмачи ташкилот |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Таклиф ID рақами | Қисқача мазмуни | Тўплаган овозлари сони | | | | |
| "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ | | | | | 999 543 | х | х |
| 1 | 1880300026 | Паркент тумани Бурсилиқ МФЙ Коммуна 2-тор кўчасини 800 метр асфалт ётқазиш керак. | 1355 | 336 000 | 336 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бошқармаси |
| 2 | 1880300063 | Паркент тумани Наврўз маҳалласи шўроп ва гулзор кўчаларига ичимлик суви билан таминлаш учун ер остидан 100-120 метр узунликда қудук казиб башния оркали уни аҳолига етказиб бериш ҳақида* | 981 | 769 300 | 769 300 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси, 3-чорак даромадлар режасининг орттириб бажарилган қисми | Туман ҳокимлиги |
| Тақсимланмаган маблағ | | | | | -105 757 | Х | Х |

**) Изох: Аниқланган смета хужжатлари асосида маблағлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 22 апрелдаги ҚҚ-213-IV-сонли қарорига асосан шахсий характердаги харажатларга йўналтирилмайди.*

**XALQ DEPUTATLARI PARKENT TUMANI KENGASHINING QARORI**

**Parkent tumani 111300, Ichkiqo'rg'on ko'chasi, 5-uy.**

*2021 йил 3 ноябрь* **VI/XXXIX- XI– сон**

**Халқ депутатлари Паркент туман Кенгашининг 2021 йил 29 сентябрдаги VI/XXXVIII- I– сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини тизимли равишда ташкил қилиб бориш зарурлиги ва юқоридаги қарорлардан келиб чиққан ҳолда, Ҳалқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 12 майдаги **VI/XXX-II**-сон қарори ва унга асосан туман Ишчи гуруҳи таркиби, маблағларни жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорига асосан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган жамоатчилик фикри асосида шаклланган ва овоз бериш якунига кўра “ғолиб” таклифларни танлаб олиш ҳамда уларга маблағ йўналтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги” Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари Паркент туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан ишчи гуруҳнинг 2021 йил 27 сентябрдаги йиғилиш баёни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. “Опен бюджет” портали орқали танлаб олинган таклифлар рўйхати **1-иловага** мувофиқ маъқуллансин.
3. Паркент тумани бўйича 2021 йилда жамоатчлик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича манзилли рўйхат **2-иловага** мувофиқ маъқуллансин. ***Манзилли рўйхатнинг 2-бандида кўрсатилган***

***тадбирга буюртмачи ташкилот этиб белгиланган - Туман ҳокимлиги жумласи Тошкент вилояти "Сув таъминоти ва оқова сув объектларини қурилиши бўйича" ИК жумласига ўзгартирилганлиги кўрсатиб ўтилсин.***

4. Халқ депутатлари Паркент туман Кенгашининг 2021 йил 29 сентябрдаги VI/XXXVIII- I– сонли қарорининг қолган барча жумлалари ўзгаришсиз қолдирилсин.

5. Туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи-ишчи гуруҳ раҳбари З.Йўлдашов юқоридаги киритилган ўзгартиришдан тегишли ташкилот ва корхона масъулларини хабардор қилиш вазифаси юклатилсин.

6. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи-ишчи гуруҳ раҳбари З.Йўлдашов ҳамда туман ҳокимининг ўринбосари Э.Рахмонов ва комиссия аъзолари зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Паркент туман Кенгаши раиси** **Ш.Шоахмедов**

Халқ депутатлари Паркент туман Кенгашининг 2021 йил 3 ноябрдаги VI/XXXIX-XI-сонли қарорига 2-илова

Паркент тумани бўйича 2021 йилда жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича
**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ**

*минг сўмда*

| № | Ғолиб таклиф маълумотлари | | | Амалга оширишнинг аниқланган қиймати | Ҳақиқатда ажратилган | Молиялаштириш манбаси (ФТЖ, қўшимча манба, бюджет параметри) | Буюртмачи ташкилот |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Таклиф ID рақами | Қисқача мазмуни | Тўплаган овозлари сони | | | | |
| "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ | | | | | 999 543 | x | x |
| 1 | 1880300026 | Паркент тумани Бурсилиқ МФЙ Коммуна 2-тор кўчасини 800 метр асфалт ётказиш керак. | 1355 | 336 000 | 336 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бошқармаси |
| 2 | 1880300063 | Паркент тумани Наврўз маҳалласи шўроп ва гулзор кўчаларига ичимлик суви билан таминлаш учун ер остидан 100-120 метр узунликда кудук казиб башния оркали уни аҳолига етказиб бериш хақида* | 981 | 769 300 | 769 300 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси, 3-чорак даромадлар режасининг ортиқ бажарилган қисми | Тошкент вилояти "Сув таъминоти ва оқова сув объектларини қуриш бўйича" ИК |
| Тақсимланмаган маблағ | | | | | -105 757 | X | X |

**) Изоҳ: Аниқланган смета ҳужжатлари асосида маблағлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорига асосан шахсий характердаги харажатларга йўналтирилмайди.*